

Азондан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш | Ҳадис дарслари (308-дарс)

Ҳадис
ДАРСЛАРИ

308-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг
«Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг
ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.



19:00 / 20 ноябрь 810

هَلَلَا يَضَرُّ دِيْعَسَ يَبَأْنَع
يَلَصَّ هَلَلَا لُوسَرَّ نَأْهُنَع
إِذَا لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا
أُولُوقَفَ آءِذِّنَا مُتَعَمَس
هَأَوْرُ نَدُّومَلَا لُوقَيَّ أَمَلُثِم

رُيَغَ دَاوُؤُ . ةَسْمَخُلَا
، يَلَعِ اَوَّلَصِّ مَّثِ يِرَاخُبُلَا
ةَالَصِّ يَلَعِ يَلَصِّ نَمُّ هَّنِإِفِ
اِهَبِ هَيَلَعِ هَلَلَا يَلَصِّ
يَلَهَلَلَا اَوَّلَسِّ مَّثِ ، اَرَشَعِ
ةَلزَنَمِ اَهَّنِإِفِ ، ةَلِيَسَوُلَا
اَلِإِيغَبُنَتِ اَلِةَنَجَلَا يِفِ
وَجَرَّأُو ، هَلَلَا دَابِعِ نَمِّ دَبَعَلِ
لَأَسِّ نَمَفِ ، وَهُ اَنَّا نُوَكَّا نَأِ
تَلَحِ ةَلِيَسَوُلَا يَلَهَلَلَا
ةَعَفِّشَلَا هَلِ

Абу Саъийд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачонки азонни эшитсангиз, муаззин айтаётган нарсани айтинглар», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Бухорийдан бошқалар:

«Сўнгра менга саловот айтинглар. Чунки ким менга бир саловот айтса, албатта, Аллоҳ унга ўн саловот айтади. Кейин менга василани сўранглар. Бас, у жаннатдаги бир манзила бўлиб, Аллоҳнинг бандаларидан фақат бир бандагагина лозим бўлур. Ўша банда мен бўлишимни орзу қиламан. Ким менга василани сўраса, у шафоатга сазовор бўлур»ни зиёда қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Муаззин қайси лафзни айтса, азонни эшитувчи ўшани такрорлаб туриш лозимлиги.
2. Азондан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш лозимлиги. Бу салавот қайси сийға билан бўлса ҳам бўлаверади. Фақат у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот ва салом маъноси бўлиши зарур.
3. Ким Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бир салавот айтса, Аллоҳ унга, албатта, ўн салавот айтиши. Аллоҳнинг бандага салавот айтиши – раҳмат юборишидир.
4. Азондан ва салавотдан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Василани сўраш кераклиги. Уни қандай қилиб сўраш кейинги ривоятда келади.
5. «Васила» жаннатдаги бир манзила – мақом эканлиги.
6. Аллоҳ томонидан Василанинг фақат бир бандага берилиши.
7. Василага энг яқин зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эканликлари.
8. Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Василани сўраса, у зотнинг шафоатларига мушарраф бўлиши.

Демак, азонни эшитганимизда муаззин нима деса, шуни қайтариб туришимиз лозим. «Ҳайя ғалас-солаҳ» ва «Ҳайя ғалал-фалаҳ» дейилганда нима айтилиши қуйида баён қилинади.

نَا هُنَعُ هَلَلَا يَضَرِ رَبَّاجُ نَع
هَلَلَا يَلَصِ هَلَلَا لُوسَر
لَا قُ نَم : لَاقَ مَلَسَوِ هَيَلَع
مُهُ لَلَا ءَا دِنَلَا غَمُ سَيَ نِيح
، ءَمَاتَلَا ءُوعُ دَلَا هِدَهُ بَر
أَدْمَحُم تَأَمَّيْ لَاقَلَا ءَالُ صَلَاو
، ءَلِي ضَفَلَاو ءَلِي سَوَلَا
يَدُّ لَا أَدُومَحَم أَمَاقَمُ هُتَغَبَاو
يَتَعَفَشُ هَلُ تَلَحُ ، هَتُدَعَو
ءَسْمَخَلَا هَاوَرِ ، ءَمَايْ قَلَا مُوَي

АМЪН СЪМЪЛЪ

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким азонни эшитгандан кейин: «Аллоҳумма, Робба ҳазиҳид даъватит тааммати вас-солатил қоимати ати Муҳаммаданил василата вал фазилата ваъъасху мақомам маҳмудан аллазий ваъадтах» деса, қиёмат куни унга шафоатим вожиб бўлур», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда келган дуонинг маъноси қуйидагича: «Аллоҳим! Эй ушбу тугал даъватнинг ва қоим бўладиган намознинг Роббиси! Муҳаммадга Василани ва фазилатни бергин. Ҳамда уни Ўзинг ваъда қилган мақоми Маҳмудда қайта тирилтиргин».

«Васила» жаннатдаги олиймақом манзила эканлиги ҳадисда зикр қилинди.

«Мақоми Маҳмуд» – «Мақталган Мақом» эса Аллоҳ таолонинг «Шоядки, Роббинг сени Мақоми Маҳмудда қайта тирилтирса» ояти ила Аллоҳ таоло томонидан Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга ваъда қилинган. Мақоми Маҳмуд буюк шафоат мақомидир.

Демак, қиёмат куни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг шафоатларига мушарраф бўлайлик, десак, азондан кейин ушбу дуони ўқиб юришимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.